

### Кун ҳикмати

Кимки жаҳон аҳлида  
инсон эрур,  
Билки, нишона анга  
иймон эрур.

Алишер Навоий



### Кун нафаси



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Икки муқаддас масжид ходими – Саудия Арабистони Подшоҳи Салмон бин Абдулазиз Ол Сауднинг таклифига биноан 17 август куни давлат ташрифи билан ушбу мамлакатга борди.



Президентимиз Мадинада бўлиб, Масжидун Набавийни зиёрат қилди. Шавкат Мирзиёев ушбу масжидга келиб, Хужраи саодатга тавозе билан кирди, Муҳаммад алайҳиссаломга салавот ва саломлар айтди. Халқимизга тинчлик ва фаровонлик тилаб, дуо қилинди.





Давлатимиз раҳбари Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг сийратлари ва ислом цивилизацияси музейи билан танишди.




Мадина зиёратида бўлган ватандошларимиз билан суҳбатлашди.



Шу хабарни эшитдим-у, бир халта саволларимни олиб, ўша ерда ҳозир-у нозир бўлдим. Қарасам, мен каби савол шайлаб турган журналистлар кўп экан.



Наманган вилояти уй-жой коммунал бошқармаси томонидан кўпқаватли уйларни иситиш масаласи бўйича матбуот анжумани ўтказилади



Луқма

## Кўрпангизни ҚАЛИНРОҚ қилаверинг

Саволларнинг кўплиги ҳам бежиз эмас, албатта. Ахир бу ташкилот халқимизнинг «қиш ғамини ёзда е» деган пурмаъно нақлини тез-тез унутиб қўяди-да. Масалан, ўтган йили Наманган шаҳрининг қоқ марказида яшовчи аксар аҳоли уйининг совуқлиги, иситиш тизимининг яхши ишламаётгани сабаб фарзандларини кўрпаларга ўраб-чирмаб жон сақлаганини ким билмайди дейсиз?..

Қолаверса, марказлашган иссиқлик тизимини қуриш мақсадида ўтган йили Наманган шаҳри Давлатобод туманидаги бир қанча кўпқаватли уйлар атрофи кавлаб ташлангач, аҳоли қиш кунлари лой кечиб ишга, ўқишга қатнаган эди. Бу ишлар ҳозир

ҳам ниҳоясига етган эмас. Ўша жойлар ўй-дим-чўқур бўлиб ётибди.

Анжуманда уларнинг қачон битишини сўраш, бу йил қишни хавотирсиз кутиш мумкинми, деган саволга жавоб топиш кимни қизиқтирмайди дейсиз ахир!

Хуллас, анжуманда Наманган шаҳридаги 350 та кўпқаватли уй учун марказлашган иссиқлик тизими қуриш ва реконструкция қилиш ишларини бажаришга «Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси» ҳисобидан 15 миллион АҚШ доллари эквивалентида маблағлар йўналтирилиши белгилангани, бугунги кунда бош пудратчи «Ўзбекгидроэнергоқурилиш» АЖ томонидан бир қатор ишлар

амалга оширилгани ҳақида узундан-узқоқ ҳисоботни тинглашга ҳеч кимнинг тоқати етмади. Мутасаддиларга саволлар ёғила бошлади.

Аммо мутахассисларнинг «чайналган», «ғижимланган» жавобларидан шуни англаб етдикки, ўтган йили тугатилиши керак бўлган ишлар бу йил ҳам ниҳоясига етиши даргумон!

Хулоса ўрнида аҳолига маслаҳатимиз шуки, бу йил ҳам кўрпангизни қалинроқ қилаверинг. Марказлашган қозонхоналар ишга тушишига ҳали кўп вақт керакка ўхшайди!

Орзуғул РУСТАМОВА  
«ISHONCH»

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: ishonch1991@yandex.uz

2022 йил  
18 август  
пайшанба  
№ 100 (4696)



Тилга эътибор

### ПЕНСИЯ ва НАФАҚАнинг фарқи нимада?

Газетада нашр қилинаётган бир мақолада «мен нафақажўрман» деган жумлага кўзим тушди. Ижтимоий тармоқда ҳам бир кекса киши ўзини «нафақажўр» деб ёзибди.

Кейин ўзимча кичик сўровнома ўтказдим. Унда шундай савол қўйилганди: пенсия ва нафақанинг фарқи нимада? Уларнинг аксариятида «иккиси бир маънони беради», деган жавоб бўлди.

Аслида қандай? Оддий ва тушунарли тарзда айтсак.

Пенсия қонунда белгиланган ёшга етганда етарлича иш стажига эга бўлган шахсларга тайинланади. Унинг миқдори иш стажига ва иш ҳақининг қай даражадалигига мутаносиб равишда белгиланади.

Нафақа эса иш стажига эга бўлмаган, меҳнат қобилиятини йўқотган шахсларга тайинланади. Нафақа миқдори давлат белгиланган қатъий миқдорда белгиланади.

Фикримизга бир мисол келтирайми. Эътибор берсангиз, маошлар оширилиши ҳақидаги хабарларда «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида» деган жумлалар қайд этилади.

Демак, сўзларни ҳам ўз жойида ва билиб ишлатиш керак.

Дилором ХУДОЙБЕРГАНОВА

Ishonch  
Келгуси сонларда ўқинг...

СУВНИНГ  
ЭГАСИ БОРМИ?

МАЪНАВИЙ МАКОНИМИЗ  
ҚИЁФАСИ ҚАНДАЙ  
БЎЛИШИ КЕРАК?

ҚУМ  
ЎҒРИЛАРИ

**Навоий вилояти**



## Эртақларда таъриф этилганидек...

Болажонларнинг оромгоҳда ўтаётган ҳар бир куни маънавий, эстетик ва жисмоний сифатларни такомиллаштиришга оид алоҳида широрга нисбат берилган ҳолда ташкил этилмоқда. «Бизнинг буюк аждодларимиз», «Халқлар дўстлиги», «Биз етакчи билан», «Энг яхши рақс жуфтлиги», «Мен шу буюк юрт фарзандиман» каби тадбирлар шулар жумласидандир. Расм, инглиз тили, моҳир қўллар, велоспортом, караоке, стол тенниси, шашка-шахмат, «Компьютер сувдонлиги» каби тўғрақларнинг узлуксиз фаолият олиб бориши учун зарур шароит яратилиб, жиҳозлар билан таъминланган.

– Умумий майдони қарийб 48 гектар бўлган оромгоҳимиз ҳудудида мева ва манзарали дарахлар, гуллар етиштиришга алоҳида эътибор қаратганмиз, – дейди оромгоҳ директори Гулзода Холматова. – Болажонлар дам олиш,

спорт-соғломлаштириш тадбирларида иштирок этиш билан бирга, турли фанлар бўйича маҳорат дарсларида билим ва кўникмаларини мустақамлаб боришяпти. Улар табиат кучоғидаги ноанъанавий машғулотларга ҳам қамраб олинган.

Ўғил-қизларнинг энг сеvimли машғулотларидан бири, бу – сузиш. Улар мураббий ҳавзадаги техник ва хавфсизлик қоидаларини тушуниргандан кейингина сувга тушишади. Шунингдек, «Рекордлар куни», яъни шу куни турникда тортилиш, арғимчоқ ва узунликка сакраш, белгиланган масофага югуриш каби спорт турлари бўйича мусобақалар ҳам мунтазам равишда ташкил этилмоқда.

Умуман, оромгоҳ ҳар йилгидан-да юксак эътибор туфайли эртақларда таъриф этилган мўъжаз шаҳарчага айланган.

Азамат ҒУЛОМОВ

**Ўзги соғломлаштириш**

«Зарафшон» болалар соғломлаштириш оромгоҳида қайноқ ҳаёт. Кимдир кутубхонада мурола, яна кимдир ўзи қизиққан тўғрақда машғулотлар оғушида...



**Самарқанд вилояти**

**Аъзолик афзалликлари**

## Уч йиллик музокарадан сўнг

Самарқанд вилоятида 11 мингга яқин юридик мақомга эга ташкилот мавжуд. Улар фаолияти таҳлил қилинганда шу нарса аниқ бўляптики, миқдор ўзгариб турса-да, бандлик таъминланишига эришиляпти. Иш-ку бор, аммо меҳнат шарт-шароити...

– Давлат солиқ идоралари рўйхатидан ўтган ташкилотлар фаолиятини ўрганиб, уларни Халқаро меҳнат ташкилоти талаблари асосида таҳлил қилиб боришга ҳаракат қилиямиз, – дейди Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Самарқанд вилояти кенгашининг Ташкилий ишлар бўлими мудури Райҳона Абдуллаева. – Тури ва йўналишидан қатъи назар, меҳнатга муносиб шароит бўлиши керак. Аммо касба уюшмаларининг жамоатчилик асосидаги бу талабини ҳамма ҳам тушунавермайди.

Шундай бўлса-да, мутахассислар меҳнат шароити, ишчи-ходимлар манфаати устуворлиги йўлидаги ҳаракатни суллаштирмаяпти. Хусусан, вилоятдаги тармоқ касба уюшма кенгашлари томонидан 130 дан зиёд корхона ва ташкилотга ҳамкорлик таклифлари берилган. Мулоқот ва музокараларнинг турли йўллари қидирилмоқда. Хусусан, Агросоаноат мажмуи ходимлари касба уюшмаси

Самарқанд шаҳар кенгаши тизимдаги ўн та ташкилот билан қарийб уч йил музокара олиб боришига тўғри келди.


– Тизимли ишларимиз натижа берди, – дейди Агросоаноат мажмуи ходимлари касба уюшмаси Самарқанд шаҳар кенгаши раиси Рустам Валиев. – Ўтган фурсатда барча ҳужжатлар меъёрлар асосига келтирилиб, 10 та ташкилотни ўз сафимизга жалб қилдик. Айни чоғда ходимларга муносиб, хавфсиз ва қоғалатланган иш шароитлари яратиб берилди. Яна бир қатор ташкилотлар билан музокаралар олиб бораёмиз. Жумладан, «ЎзБАТ» АЖ Самарқанд филиали, «Pulsar Group Brewery» МЧЖ шаклидаги Ўзбекистон-Чехия қўшма корхонаси, «Agro-Bravo» МЧЖ билан келишувга эришсак, ушбу корхоналарда ишлаётган минглаб ходимларнинг меҳнат ва ижтимоий шароити янада юксалган бўларди.

Нурилла ШАМСИЕВ  
«ISHONCH»

**Сурхондарё вилояти**

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Сурхондарё вилояти кенгашига Музработ тумани «Олмазор» маҳалласида яшовчи Бахтиёр Қўчқоров иш берувчининг хатти-ҳаракатларидан норози бўлиб мурожаат қилди.

Касаба уюшма аралашгач...



## ХОДИМ ИШГА ТИКЛАНДИ

Туман халқ таълими бўлимининг тегишли буйруғига асосан, 51-мактаб директорининг ўқув-тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари вазифасига тайинланган. Иш берувчи ёзма равишда огоҳлантириб, малакаси етарли бўлмагани сабабли, Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 2-бандига асосан, у билан тузилган меҳнат шартномасини ноқонуний бекор қилган.

Иш берувчига вазият тушунтирилгач мурожаатчи ўз вазифасига тикланди, аммо мажбурий бекор юрган вақтлари учун ойлик иш ҳақлари тўланмади. Унинг манфаатини қўлаб туман халқ таълими бўлимига нисбатан Фуқаролик ишлари бўйича Шеробод туманлараро судига даъво аризаси киритилди. Суднинг ҳал қилув қарори билан Бахтиёр Қўчқоровга 8 миллион 207 минг 685 сўм ойлик иш ҳақлари ҳамда 3 миллион 185 минг 72 сўм миқдорда маънавий зарар ундириб берилди.

Зариф ХОЛОВ,  
Ўзбекистон касба уюшмалари Федерациясининг Сурхондарё вилояти кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори

**Тошкент вилояти**

Паркент туманининг Заркент қишлоғида «Заркент бобо», «Қуш қўнмас авлиё» номлари билан машҳур бўлган зиёратгоҳ бор. Ерлик аҳолининг айтишича, масканнинг ўзига хос ноёб хусусиятлари мавжуд. Биринчиси, бу жойдаги дарах ва буталарга бўлбўлдан бошқа қуш қўнмайди. Иккинчиси, бу ердаги табиий бўлоқ суви шифобахш бўлиб, саломатлик учун ниҳоятда фойдали.

## Суви «зам-зам»га қиёсланган маскан

Чотқол тоғ ён бағрида жойлашган мазкур зиёратгоҳ ёнида яқинда «Заркент» санаторийи фаолият бошлади. Аҳамиятлиси шуки, бу ерда ҳордиқ чиқарувчилар ушбу бўлоқ сувидан ҳам баҳраманд бўлишади.

Санаторий юрак-қон томирлари, асаб тизими, юқори нафас йўллари ва бўғимлардаги касалликларни даволашга ихтисослашган. Ушбу маскан саломатлигини тиклаш ва турли касалликларнинг олдини олишга хизмат қилувчи замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Бу маскан бир вақтнинг ўзида 150 нафар одамни қабул қилиш имкониятига эга. Замонавий услубда қурилган санаторийда дам олувчилар учун балчиқли даволаш, ванна, душ, туз гори, озонотерапия каби тиббий муолажалар хизматлари йўлга қўйилган. Бундан ташқари, бассейн, спорт машғулотлари зали ва кутубхона дам олувчилар ихтиёрида.

– Санаторий денгиз сатҳидан 800 метр

баландликда жойлашган бўлиб, ер тубидан цинк моддаси билан бойитилган сув чиқади. Бу эса инсон саломатлигини мустақамлашда муҳим модда ҳисобланади, – дейди шифокор Гули Тўхтаева. – Бу ерга асосан асаб тизимида чарчоқлик кузатилган юртдошларимиз келишади. Хушманзара жой, ҳавонинг салқинлигидан баҳра олиб, замонавий тиббий муолажалар ёрдамида улар тез фурсатларда саломатлигини тиклаб олишмоқда. Дам олиш маскани фаолиятини бошлаганига икки ой бўлмасдан туриб, 1000 нафарга яқин киши ҳордиқ чиқаришга улгуришди.

– Касбим ўқитувчи, – дейди Шаҳноза Меликулова. – Бўка туманидан келдим, 40 йилдан бери ёш авлодга таълим бераман. Яқинда ушбу санаторий очилгани ҳақида эшитиб қолдим ва дам олиш учун оилавий келдик. Дам олиш асносида тиббий муолажалар олиб, бўлоқ сувидан ичдим, кутубхонадаги китоблар билан танишдим. Англадимки, одам ҳам жисман, ҳам руҳан

озуқа олиб туриши зарур экан. Тушлик вақтигача тиббий муолажаларни олиш билан банд бўлган дам олувчиларнинг аксарияти тушликдан кейин кутубхонада бўш вақтларини мазмунли ўтказишмоқда. Боиси бу ерда жаҳон адабиётининг дурдона асарлари, буюк шоир ва ёзувчиларимизнинг китоблари мужасам.

Ҳақиқатан ҳам, кутубхонада 1000 дан ортик адабиёт мавжуд бўлиб, улар дам олувчилар томонидан қўлма-қўл ўқилмоқда.


– Касбим ҳисобчи, Олмалик шаҳридан келдим, – дейди Матлуба Жўраева. – Соғлимда анча ўзгаришлар бўлди, оёқ ва бўғимлардаги огриқлардан қутулдим. Жуда хурсандман.

Ҳа, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси тизимдаги сиҳатгоҳлар юртимиз меҳнаткашларига ана шундай қайфият улашмоқда.

Муниса ТУРОВОВА



Сиҳатгоҳларда



**Фарғона вилояти**



## Ўзига хос имтиҳон

металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари спортнинг турли йўналишларида ўзаро беллашди

Равшан Эгамбердиев Фарғона шаҳридаги «Uz-Nanwoo» қўшма корхонасида ишлайди. Шахматнинг ашаддий шайдоси. Дўстлари, қўшнилари, айниқса, ишхонасида Равшан акани «мот» қиламан деб юрганларнинг санаб адоғига етиш қийин. Аммо ҳозиргача ҳеч ким мақсадига етганича йўқ.

Кувасой шаҳридаги Аҳмад ал-Фарғоний дам олиш уйида. Metallургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши томонидан тармоқ спартакиадасининг Фарғона вилояти босқичи ўтказилди. Унда Равшан ака ўндан ортик ташкилотда меҳнат қилиб келаётган ҳамкасблари билан ақл баҳсида ғолиб бўлиб, мусобақанинг республика босқичига йўл олди.

Ишчи-ходимлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида ташкил этилган мазкур спорт мусобақасида тармоқ тизимидаги 200 нафарга яқин иштирокчи спортнинг мини футбол, шахмат-шашка, сузиш, дартс, стол тенниси турлари бўйича беллашди.

Миллионлар ўйини футбол мусобақасида эса «Uz SUNGWO» қўшма

корхонаси жамоаси зафар кучди. Шунингдек, стол тенниси, дартс, сузиш спорт мусобақаларида ҳам ғолиблар аниқланиб, Жиззах вилоятида бўлиб ўтаётган баҳсларида иштирок этиш шарафига эга бўлишди.

– Фарғонанинг сўлим гўшасида ўтказилган мусобақа биз, тармоқ ходимлари учун ўзига хос имтиҳонга айланди, – дейди «Uz SUNGWO» қўшма корхонаси ишчиси Жавлон Холматов. – Мини футбол мусобақасида 1-ўринни қўлга киритдик. Насиб қилса, республика босқичида ҳам ўзимизнинг нималарга қодирлигимизни кўрсатиш ниятидамиз.

Жамшид ЭРГАШЕВ  
«ISHONCH»



Мулоҳаза

**Сарлавҳани ўқиб оқиб ҳулоса чиқаришга шошадиган ўқувчиларга аввал-бошданок тушунча берсак: мавзунинг қабул имтиҳонларига мутлақо алоқаси йўқ! Аксинча, гап ўқишга бўлган истак ва ижтимоий имконият номуносивлиги ҳақида.**

Хабарингиз бор, жорий йилда Президент таълим муассасалари агентлиги тизимида ҳудудларда ихтисослаштирилган мактаблар ташкил этилди. Ушбу даргоҳларга ҳадемай бошланажак ўқув йили учун ҳужжат қабул қилиш ва ҳатто саралаш имтиҳонлари аллақачон якунига етди. Эртами-индин натижалар ҳам эълон қилинади.

Шунинг баробарида халқ таълими тизимида айни пайтгача фаолият кўрсатиб келган давлат ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар – ДИМИларга янги ўқув йили учун ҳужжатлар қабул қилинмади. Улар ҳозирда таҳсил олаётган ўқувчилар мазкур муассасаларнинг 11-синфини тамомлаб олгунларига қадар фаолият кўрсатади ва босқичма-босқич тугатилади. Ўрнини эса юқорида қайд этилган ихтисослаштирилган мактаблар тўлдириб боради.

Албатта, келажак билимликларники. Давлат раҳбари қайд этганидек, нажот – таълимда, тарбияда, билимда. Шу маънода катта мақсадларни кўзлаб ташкил

этилаётган янги таълим муассасаларининг маориф соҳасида кескин бурилиш ясашига шак-шубҳа йўқ.

Бироқ, назаримизда ушбу даргоҳлар ўқишга ҳавасманд ўғил-қизларнинг барчасига ҳам тенг имкониятлар яратмаётгандек гўё. Муаммо лардан бири янги мактабларда узоқдан келиб ўқийдиганлар учун ётоқхоналар кўзда тутилмагани билан боғлиқ.

**БУ ЙИЛ АНДИЖОН ВИЛОЯТИДА АГЕНТЛИК ТИЗИМИДА 13 ТА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАКТАБ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ. ШУНДАН БИТТАСИ – АНДИЖОН ШАҲРИДА ИШ БОШЛАЙДИГАН МУАССАСА МАКТАБ-ИНТЕРНАТ ШАКЛИДА ОЧИЛДИ, ЯЪНИ МАЗКУР ДАРГОҲДА ЎҚУВЧИЛАР ЁТОҚХОНАСИ ФАОЛИЯТ КўРСАТАДИ, ҚОЛГАН 12 ТА МУАССАСАДА ЭСА БУНДАЙ ИМКОНИЯТ Йўқ. ШУ БИЛАН БИРГА, БУЛОҚ-БОШИ, ЖАЛАҚУДУҚ, ПАХТАОБОД ТУМАНЛАРИДА МАЗКУР ТУРДАГИ МАКТАБЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛМАДИ.**

қолиб таҳсил олишлари учун имкон берарди.

Эндиликда-чи? Масалан, бу йил Андижон вилоятида агентлик тизимида 13 та ихтисослаштирилган мактаб ташкил этилди. Шундан биттаси – Андижон шаҳрида иш бошлайдиган му-

ассаса мактаб-интернат шаклида очилди. Яъни мазкур даргоҳда ўқувчилар ётоқхонаси фаолият кўрсатади, қолган 12 та муассасада эса бундай имконият йўқ. Шу билан бирга, Булоқбоши, Жалақудуқ, Пахтаобод туманларида мазкур турдаги мактаблар ташкил этилмади.

Энди ўйлайлик: чекка қишлоқда яшовчи иқтисодий аҳволи ҳақинчадар бир оиланинг имтиҳонлари аёло баҳога топширишга қодир билимдон, иқтидорли фарзанди бўлса-ю, аммо унинг ота-онаси ўзи яшаётган ёки кўшни тумандаги ихтисослаштирилган мактабга қатнаб ўқишга шароит яратиб беролмаса, адолатсизлик юзга келмай-дими? Шу кунгача ишлаб келган мактаб-интернатларда айнан ётоқхоналар фаолият кўрсатгани учун олис маҳалларда яшовчи камбағал оилаларнинг зукко ўғил-қизлари ҳам ўқиб имконига эга бўлиб, кейинчалик катта марраларни эгаллаганига эса юзлаб мисоллар бор.

Мисол учун, янги мактаб очилган Андижон тумани маркази – Куйганёр шаҳарчаси шу ҳудуддаги Орол қишлоғидан камида 25 километр узоқда жойлашган. Ёки Балиқчи туманининг чекка Ўрмонбек қишлоғида фаолият бошлаётган ушбу турдаги муассаса билан шу ҳудуддаги бир неча минглаб аҳоли истиқомат қиладиган айрим йирик қишлоқлар орасидаги масофа ҳам 25-30 километрдан кам эмас. Бошқа туманларда ҳам

худди шундай ҳолатни кузатиш мумкин.

Ҳисоб-китобни давом эттирсак, узоқроқ ҳудуддан қатнаб ўқийдиган ўғил-қизларнинг қўлига ота-онаси йўлкира ва бошқа кунлик харажатлар учун ҳар кун камида 30 минг сўм пул тутқазishi керак. Бу миқдорга ўқув куроллари, тушлик пули билан боғлиқ чиқимлар қўшилса, бир ойлик харажат йўқ деганда 1 миллион сўмга айланади. Бугун мамлакатда ўртача иш ҳақи 2-2,5 миллион сўмга тўғри келётган бир кезде иқтисодий шароити ҳақинчадар оилаларнинг қанчаси фарзандини ихтисослаштирилган мактабларда ўқитиши мумкин? Узоқдан қатновчи ўқувчиларнинг ҳавфсизлиги масаласи-чи?

**БУГУН МАМЛАКАТДА ЎРТАЧА ИШ ҲАҚИ 2-2,5 МИЛЛИОН СЎМГА ТЎҒРИ КЕЛАЁТГАН БИР КЕЗДА ИҚТИСОДИЙ ШАРОИТИ ҲАҚИНЧАДАР ОИЛАЛАРНИНГ ҚАНЧАСИ ФАРЗАНДИНИ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН МАКТАБЛАРДА ЎҚИТИШИ МУМКИН? УЗОҚДАН ҚАТНОВЧИ ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ҲАВФСИЗЛИГИ МАСАЛАСИ-ЧИ?**

Турган гап, ҳар бир ота-она фарзандининг яхши мактабларда таълим олишини хошлайди. Иш ҳақи юқори ва имкониятлари бадавтир аксарият оилаларнинг болалари-ку, аллақачон замонавий хусусий муассасаларда билим олишяпти. Ижтимоий аҳволдан қатъи назар, барча учун бир хил – энг иқтидорли ўқувчиларини саралаб таълим бериш мақсадида ташкил этилган янги муассасалардаги ҳозирги вазият эса табақалашнинг дастлабки, содда кўринишини юзга келтираётган-дек. Сиз нима дейсиз?

**НУРИЛЛО НУЪМОНОВ**  
«ISHONCH»

Бор бўл, оқибат!

## Сиз ёлғиз эмассиз

Юртимизда ўзгалар парваришига муҳтож кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги ислохотлар ўзининг аниқ натижаларини намойён этмоқда.



Рақамларга мурожаат қилсак, уларни бепул тиббий-ижтимоий хизматлар билан қамраб олиш кўлами 80 минг нафардан 120 минг нафарга ортган. Ўзгалар парваришига муҳтож 18 минг нафардан зиёд яқка-ёлғиз ва ёлғиз истиқомат қилувчи кексалар ҳамда ногиронлиги бўлган шахслар уйда ижтимоий хизмат кўрсатиш билан қамраб олинган. Ўзгалар парваришига муҳтож кишиларга бепул тақдим этиладиган асосий озиқ-овқат ва гигиена воситалари сони 15 тадан 19 тага оширилган. Жорий йилнинг июнь ойидан бошлаб эса 19 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ўрнига ҳар ойда ёлғизларнинг пенсиясига 300 минг сўмдан компенсация тўловлари амалга ошириш жорий этилган.

Айни вақтда «Саховат» ва «Мурувват» интернат уйларида давлат таъминотида олинган шахслар сони 14 фойза ортиб, 9,3 минг нафарни ташкил этмоқда. Ногиронлиги бўлган шахсларга бепул бериладиган протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситаларининг рўйхати 22 турдан 27 тагача кўпайтирилди.

Қарши ва Урганч шаҳарларида ҳар бири 75 ўринли, Бухоро шаҳрида 100 ўринли санаторий, Қумқўрғон туманида болалар учун 150 ўринли «Мурувват» уйи, Термиз туманида 100 ўринли реабилитация маркази янгидан ишга туширилди. Ногиронлик белгилари аниқ кўриниб турган, анатомик нуқсонлари бўлган шахсларни клиник-функционал маълумотлар олишга доир қўшимча текширувдан ўтказмасдан туриб, уларга ногиронлиқни белгилаш, ногиронлиги бўлган шахс деб топилганда ногиронлиқни мuddатсиз даврга белгилаш тартиби жорий қилинди. Тиббий-ижтимоий экспертиза хизмати таркибида 18 ёшгача болаларга ногиронлиқни белгилаш комплексига масъул бўлган 19 нафар мутахассисдан иборат педиатрия тиббий-ижтимоий эксперт комиссияси ташкил этилди.

Кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга тиббий хизматлар кўламини кенгайтириш мақсадида халқаро тажрибалар ҳам ўрганилмоқда, – дейди Тиббий ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги директорининг биринчи ўринбосари Баҳодир Каримов. – Асосий мақсадимиз инсонни қадрлаш, уларнинг орзу-истакларини рўйга чиқаришга кўмаклашиш.

Тиббий-маслаҳат комиссиялари (ТМК) ва Тиббий-ижтимоий экспертиза комиссиялари (ТИЭК) ўртасида электрон маълумот алмашиш жорий этилмоқда. Хусусан, бунда ногиронлиқни белгилаш учун зарур бўлган тиббий ҳулоса ва ҳужжатларни электрон кўринишда тақдим этиш Тошкент шаҳрида 2022 йил 1 августдан, бошланган бўлса, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2023 йилнинг 1 январидан жорий этилади.

Юқорида қайд этилган кўрсаткичлар республикада ногиронлиқни белгилашнинг умумэтироф этилган «Ижтимоий модел»га ўттиш йўлидаги изчил қадамлардир.

**КОМИЛА БОЙМУРОДОВА**  
«ISHONCH»

Қашқадарё вилояти

Эътибор

## Меҳр чашмаси

Нурлигул шифохонада ҳамшира бўлиб ишларди. Оиласи катта. Беш нафар фарзанди ейман-ичаман, ўқийман, деб турибди. Бу ёқда турмуш ўртоғи ишсиз. У ёқ-бу ёқда мардикорлик қилиб ишлаб топиб келгани катта рўзғорга урвоқ ҳам бўлмайди.

Шу орада боши оғрий бошлагани дард устига чипқон бўлди. Дори кор қилмади. Пойтахтга бориб, текширувдан ўтди. Бошида, аниқроғи, миясида ни-мадир бор эмиш. Даволанди,

аммо тузалиб кетмади. Вақт ўтган сайин оёғи, қўли увушадиган, оқсоқланадиган бўлиб қолди. Қўли ҳам олдингидек эпчил ҳаракатлишига қўймасди. Ишдан бўшашга мажбур бўлди.



Орадан бир-икки йил вақт ўтди. Оиласи, бола-чақасидан орттириб, даволаниб ҳам кўрди. Аҳволи яхши бўлавермагач, масъул шифокорлар ҳулосасига кўра, унга нисбатан ногиронлик белгиланди. Бугунги кунда у I-гурух ногирони сифатида давлатдан нафақа оляпти. Аммо ногиронлик арава-часи олишга моддий имкони етмаяпти.

Яқинда Қашқадарё вилоятида протез ортопедия буюмлари ва реабилитация техника воситалари билан таъминлашга муҳтож бўлган хотин-қизлар ва уларнинг вояга етмаган фарзандлари рўйхати шакллантирилиб, 141 та ногиронлик аравачаси ҳамда 75 та эшитиш мосламаси туманлардаги масъулларга тарқатилди.

Демак, Нурлигул ва унга ўхшаш ногирон аёлларга умид эшиклари очилди.

**АКМАЛ АБДИЕВ**  
«ISHONCH»

Сирдарё вилояти

Ҳаёт саҳифаларида...

## «Жигар»нинг соғлиғи буйрақдан устун

Сайхунбод туманининг «Гулистон» маҳалласида яшовчи 20 ёшли Севара Қурбонова туғма буйрак етишмовчилиги касаллигидан азият чекиб келаётган эди. Айниқса, сўнгги уч йилда гемодиализга муҳтож бўлиб қолди.

Шунда 53 ёшли Асатилла ота фарзандига буйрагини беришга қарор қилди. Фақат операция пулига келганда... 2 нафар қизим бор, – дейди Севаранинг онаси Хадича Тўраева. – Қизимизнинг соғайиш чорасини топдиг-у, харажатига келганда эса... Чунки бизда бунча пул йўқ эди-да! Чекка қишлоқда яшасак, танишларимиз ҳам кўп эмас. Ким ҳам дардимизни эшитарди, деб ўйладик. Аммо, барака топсин яхши инсонлар кўп экан. Туман ҳокимлиги, маҳалла, биз таниган-танимаган ҳомийлар маблағ жамғаришди. Айниқса, маҳалла хотин-қизлар фаоли елиб-югурди. Ҳатто операциядан кейин

қувватли таомлар есин, деб маҳалла аҳлидан уйма-уй маблағ тўплаб беришди.

Жарроҳлик учун 150 миллион сўм тўпланди. Амалиёт муваффақиятли ўтди. Ҳозир Севара куч тўплаб, оёққа туриш ҳаракатида.

«Аёллар дафтари» ишчи гуруҳи Севаранинг ҳолидан хабар олди. Оила шароити ўрганилди. Айни пайтда онаси туман ободонлаштириш бошқармасида жамоатчилик асосида ишлайди. Отаси мавсумий ишлар билан банд. Парваришга муҳтож беморлар учун етарли шароит йўқлиги учун уларнинг яшаш хонадони таъмирлаб бериладиган бўлди.

**ОЗОДА МАМАДАЛИЕВА**  
«ISHONCH»





Андижон вилояти



Ҳам саёҳат, ҳам зиёрат

# Диҳя ота ким бўлган?

Наманган вилояти Уйчи тумани Жийдакапа қишлоғида Диҳя ота зиёратгоҳи бор. Кўпчилик эътибор қаратмайдиган ушбу даргоҳда улғур бир саҳобанинг зиёратгоҳи бор.

...1991 йил апрель ойида Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари ушбу масканга Наманган вилояти ҳокими ўринбосари Маҳмуд Тожибоев ва Наманган вилояти бош имом-хатиби Довудхон Ортиққориев (ўша пайтдаги) ҳамроҳлигида ташриф буюрди.

Қишлоқ аҳлининг катталари – Нажмиддин Махсум, уста Қамбар, Ҳамидхон Турсунов билан бирга уларни кутиб олди. Шайх ҳазратлари тиловат, қисқа маъруза, дуо қилиб «Изларини кўзимга суртмоқчи эдим...» дедилар.

Бизлар Диҳя отанинг қулаб, ярим текис бўлиб кетган қабрини кўрсатдик. Тўғриси, бироз уяллик ҳам...

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг ташрифидан сўнг менда: «Диҳя ота ким бўлган? Қишлоғимиздаги Диҳя ота мазори ҳақиқатда зиёратгоҳими?» деган саволлар пайдо бўлиб, тинчлик бермай кўйди.

Бир қанча манбаларни кўриб чиқиб, тўплаган маълумотларим асосида бир мақола ёзиб, нашр эттирдим. Аммо охириги икки-уч йилдан Диҳя Калбий розийаллоху анху кўним топган жойни бориб кўриш истаги янада кучайди. Эндан дуо олиб йўлга отландим: Истанбул, Анқара, Ғарнота, Венеция... Анқара, Ҳалаб, Мезза.

Диҳя Калбий зиёратгоҳини қидириб, саҳобалар, азиз-авлиёлар кўним топган табаррук жойларга бориш насиб этди. Абу Аноб Ансорий розийаллоху анху, Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва салламнинг сўналарини Ҳалима розийаллоху анҳо ва бошқа кўплаб азизларнинг қабрларини ҳам.

Ҳалабда учоқдан тушиб такси орқали Мезза қишлоғига бориб, қишлоқ марказидаги Диҳя Калбий ҳазратлари мақбарасини зиёрат қилдим.

Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва салламнинг шажараларига боғланган ҳозирги замон ҳадисшунос олими шайх Бессам Аъробий ҳазрат билан учрашиб, суҳбатлашдик, эсдалик учун суратга тушдик. Шайх Бессам Диҳя Калбий тўғрисида гап кетганида Имом Бухорий ҳадисларидан мисоллар келтириб, охирида мароқ билан: «Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва саллам Диҳя Калбий тўғрисида гап кетганида Имом Бухорий ҳадисларидан мисоллар келтириб, охирида мароқ билан: «Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва саллам Диҳя Калбийнинг мазори Бухоро (Мовароуннаҳр)да деган тахминда ҳам жон бор, деб ўйлайман», деди.

Мен Имом Бухорий юртидан келганимни, «Диҳя ота» маҳалласидан эканимни, ҳалқимиз ва Диҳя ота ҳақида асосли маълумотлар излаб, шунча йўл босиб келганимни эшитиб, узоқ дуо қилди. Шогирди, тарихчи олим Иброҳим Абу Саъд билан таништирдим...

Яна бир гап. Меззадаги Диҳя Калбий қабрини зиёрат қилётганимда шу ерлик уламо, Шайх Нурул Ҳасан Маданий Хайзерон ҳам менга миннатдорлик билдиргач: «Диҳя Калбийнинг мазори Бухорода-ку», деди...

Мен: «Ота-боболаримиз Диҳя Калбий қабрини эъзозлашни тайинлаганлари, ҳалқимиз ҳозир ҳам зиёрат қилиб, дуода бўлиши, бироқ жасадлари асли қаерда экани ҳақида асосли манбалар топилмагани учун Меззадаги қабрни зиёрат қилиш асосли бу ердан рамзий маънода хок олиб кетмоқчилигимни айтдим.

Олимларнинг сўзларини тинглаб эканман, 1991 йил баҳорда Шайх ҳазратлари Жийдакападаги Диҳя ота мазорига бежиз келмагани, айниқса: «Диҳя отанинг изларини кўзимга суртмоқ истагида эдим...» деган сўзлари беихтиёр ёдимга тушди. Кўзларимда шукрона ёшлари ҳалқаланди.

Нормирза РАҲМАТОВ



Жиззах вилояти

# Улуғ номга лойиқ бўлай деб...

Ҳадемай ёзги таътил тугайди. Ўқувчилар қатори ўқитувчилар ҳам янги ўқув йилини соғинашган, албатта. Бу соғинч касб тақозосидан бўлиши ҳам мумкин.

Бахмал туманидаги 68-умумтаълим мактабида ишлайман. Гарчанд мактабимиз катта сиғимга мослашмаган бўлса-да, ўқувчи-ёшларнинг сифатли таълим-тарбияси учун зарур шароитлар яратилган. Айниқса, спорт зали, фаоллар зали, лаборатория, кутубхона ва ошхонани кўриб кўзингиз қувнайди. Шунингдек, ҳудудда мева ва манзарали дарахтлар, гуллар парварши қилинмоқда.

Нафар ўқувчига илм-у маърифат сабоқларини бериб келмоқда. Ўтган ўқув йилида ўқитувчиларимиз сафи олий маълумотли, салоҳиятли ўқитувчи-кадрлар билан янада кенгайди. Таълим сифатини яхшилаш, дарс машғулотларида янги интерактив усуллардан фойдаланиш, назария ва амалиётни узвийликда олиб бориш, таълим бериш баробарида ўқувчиларни ҳаётга тайёрлаш, шунингдек, мактаб моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланишга

доим катта эътибор берилди.

Иш бор жойда камчилик бўлади. Иш фаолиятимиз мобайнида йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш борасида ҳам амалий ишлар мунтазам ташкил этилмоқда.

Энг муҳими, жамоамиз аҳил, бирдамликда фаолият юритмоқда. Зеро, келажак авлод билимини юксалтириш, уларни тўғри ҳаёт йўлига йўналтиришдек масъулиятни бажаришнинг ўзи бўлмайди.

Юлдузхон СИРОЖОВА,  
Бахмал туманидаги 68-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси

Соғинч



«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир хайъати:

Кудратилла РАФИҚОВ (таҳрир хайъати раиси), Улуғбек ЖАЛМЕНОВ, Анвар АБДУМУХТОРОВ, Сайфулло АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Равшан БЕДИЛОВ, Кутлимурот СОБИРОВ, Суҳроб РАФИҚОВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ, Нодира ҒОЙИБНАЗАРОВА, Анвар КУЛМУРОДОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),

Меҳридин ШУКУРОВ (Масъул котиб – «Ishonch»), Валентина МАРЦЕНЯК (Масъул котиб – «Ishonch-Доверие»)

Бош муҳаррир Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар: Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69 Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89 Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79 Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43 Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнги англиклар, тақдирли, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишиши мумкин.

Ҳудудлардаги муҳбирлар:

- Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22 Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23 Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-34 Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02 Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28 Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26 Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55 Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32 Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24 Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01 Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланishi мумкин.

Навбатчи муҳаррир: З. Рижиев  
Мусаҳҳиж: Д. Худойберганова  
Саҳифаловчи: Ҳ. Абдужалилов

Босишга топшириш вақти – 00:50  
Тошпирилди – 01:20

Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми 2 босма табақ. Буюртма Г-806 31553 нусхада босилди. Нашр кўрсаткичи: 133

1 2 3 4 5 6

Баҳоси келишилган нарҳда

Манзиллимиз: 100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй. E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Газета ҳафтаининг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.

Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Shaq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисобрақами: 2021 0000 0004 3052 7001, АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали, банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130